



Кадимги хуннларнинг кудратли хукмдори Аттила анъанавий тарзда буюк туркий саркардалар рўйхатида биринчи ўринда тилга олинади. Туркий халklar бугунги худудларини эгаллашидан анча илгари бутун Европани ларзага солган бу шахс ўз давридаёқ афсонага айланиб улгурганди. VI аср гот тарихчиси Иордан уни: “Барча хуннлар хукмдори ҳамда варварлар ичидаги афсонавий шухрати бўйича Скифиянинг бутун кавмлари орасидан чиккан дунёда ягона хайратга сазовор шахс” деб таърифлаганди. Европа санъатида Аттила гарблик бўлмаган тарихий шахслар ичида энг кўп тилга олинadиганларидан биридир. Унинг номини кадимги герман-скандинав манбаларидан тортиб Ўрта аср Европасида яратилган китобларда, XVI-XIX аср рассомларининг ижодида, бугунги дунё адабиётида учратиш мумкин. Аммо Аттила шахсиятига энг катта кизиқиш билан қарайдиган катлам, ўз-ўзидан тушунарли-ки, бугунги туркий халklarнинг зиёлиларидир. Унга атаб битилган мақолалар, шеърлар, илмий-оммабоп ва бадиий китобларни санаб адогига етиб бўлмайди.

Тарихни ардоқлаш, машхур шахслар номини эъзозлаш хурматга лойик ишдир. Факат туркий халklar маданият ахлининг Аттила шахсиятига ёндашуви Гарб халклари

ёндашувидан сезиларли фарк килишини нуктаи назарлар тўқнашуви билан тушунтириш мумкин. Европаликлар учун Аттила – Худонинг газаби, римликларни жазолаш учун юборилган вахшат, минглаб одамларнинг умрига зомин бўлган боскинчи; туркий халклар учун эса у – кахрамон, туркларни олис ўлкаларга олиб бориб, уларнинг бошка кавмлар устидан хукмронлигини ўрнатган шахс. Тарихда буйрук-истак майли бўлмайди, деган гап бор, зеро ўтмишни кайтариб, уни истакларимизга монанд ўзгартириб бўлмайди. Шунинг учун тарихий шахсларни бугунги нуктаи назардан баҳолаш, уларни яхши-ёмонга ажратиш ҳам тўғри эмас. Аммо ҳар ишда меъёр бўлгани маъкул. Биз назарда тутаётган нарсa – айрим ёзувчи ва публицистларнинг ўз ишларида Аттила номини илохийлаштириш даражасига бориши, уни “буюк бобокалон”лар сирасига киритиб, кўкларга кўтариб макташи. Бундай иддаоларни исботлайдиган фактларни ҳар доим ҳам ўтмиш саҳифаларидан топиб бўлмагани учун ўрни келганда ўз гояларини уйдирма фактлар билан “кўллаб-куватлайдилар”. Тарихни сохталаштириш эса ҳеч қачон илмий хакикатни англашга хизмат қилмаган, бундай ишларга қўл урадиганларнинг асосий мақсади фанни сиёсийлаштириш, шу билан ўз миллатининг тарихий ва мадний меросини сунъий равишда бойитиш бўлади. Публицист Мурод Хожининг Аттила ҳақидаги фикрларига эътибор беринг:

“Римликлар кипчоклар учун жўрттага турли лакаблар ўйлаб топишар эди, улар устидан галаба қозонган голибларнинг номини тилга олишни исташмас эди! Шу даврдан бошлаб кипчокларга “халклар тўдаси”, “қабилалар иттифоқи”, Аттила томонидан тўпланган “хуннлар” сифатида қарашади”.

“433 йилда Аттила Дашти кипчок номли улкан давлат тахтига минди”.

Кўриниб турибдики, М. Хожи Аттила мероси доирасини янада “торайтириб”, уни барча туркларга эмас, айнан кипчокларга тегишли деб эълон қилмоқда. Тарих илмига бош суқиб кўрадиган барча публицистлар сингари, у ҳам ўз фикрларини ҳеч нарсa билан далилламайди. На илмий тадқиқотларга, на қадимий манбаларга таянмайди. Албатта, бу тушунарли, негаки унинг баъдий тўқимасини тамоман йўқ қилиш учун битта-ягона манба ёки илмий тадқиқотни ўқиб чиқишнинг ўзи етарли бўлади. Ахир Аттила даврида кипчоклар бошка туркий кавмлардан алоҳида мавжуд бўлгани катта сўроқ остида, улар мавжуд бўлган тақдирда ҳам Аттилага мутлақо алоқадор эмас, боз устига, тамомила бошка ҳудудда яшашган, биринчи бўлиб XI-XII аср мусулмон муаррихлари тилга олган “Дашти кипчок”да эмас.

Бу – сохтакорликка кичик бир мисол. Миллатпарварлик никоби остида тарихни бузиб кўрсатувчиларни-ю, улар ўйлаб топаётган “шахсий хакикат”ларни бирма-бир санаб ўтишнинг иложи йўқ. Бир нарсa маълумки, академик фан билан таниш бўлмаган оддий ўқувчи ушбуларни хакикат ўлароқ қабул қилиши, шу асосда нотўғри хулосалар қилиши табиий ҳол. Қуйида биз Аттила номи билан боғлиқ айрим мунозарали масалаларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Шояд бу ана шундай ўқувчиларга гуручдан қурмакни ажратишга ёрдам берса.

Аттилани турклар қачон таниди?

Меросийликнинг муҳим омилларидан бири тарихий хотиранинг мавжудлигидир. Хар бир халқ ўз тарихини маълум даражада ўз хотирасига мухрлайди. Яқин ўтмиш шу воқеаларни бошдан кечирган кексалар ёдида турса, узок тарих секин-аста унутилиб боради, шу боис уни асраб-авайлаш зиёли катламнинг муҳим вазифаларидан бирига айланади. Бу турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Тарихий хотирани сакловчи энг асосий каналлар – бу халқ огзаки ижоди ҳамда ёзма маданиятдир. Халқ огзаки ижоди (фольклор) секинлик билан ярим афсонавий характер касб этиб боради, турли хикоячилар унга янгидан-янги бўёқлар кўшиб боради, охир-окибат унда тарихий хотиранинг кичик бир бўлаги сакланиб қолади. Лекин, шундай бўлса-да, номлар, жойлар, саналар, воқеалар ўзаги – булар асосан ўз холича қолади. Ёзма обидалар бу борада анча мукамал ахборот канали ҳисобланади. Зеро улар асрлар мобайнида деярли ўзгармайди (баъзи турдаги матнлардан ташқари), ва тарихий далилларни ўз холича авлодлар учун саклаб қолади. Ёзма манбаларнинг асосий камчилиги – яқин-яқингача кенг оммага етиб бормаганлигидандир. Тарихий хотирани эъзозлашнинг бошқа кўринишлари – тадбирлар ўтказиш, расмлар чизиш, хайкаллар ўрнатиш, ОАВ орқали тарғибот юргизиш – XX асрда шаклланган усуллардир.

Ўзбек халқининг тарихий хотираси биринчи навбатда унинг огзаки ижоди намуналарида намоён бўлади. Ибн Сино, Навоий ҳақида кўплаб эртак ва ривоятлар сакланиб қолган. Айрим дostonларда подшолар XI асрга оид унвонлар билан аталади (Қорахон, Буврахон қаби). Темурийлар ва хонликлар даври давлат ва маданият арбоблари ҳақидаги ярим афсонавий хикоятларни санаб адогига етиб бўлмайди.

Шу билан бирга, на ўзбек фольклорида, на бошқа туркий халқнинг тарихий хотирасида Аттила ҳақида, на хунлар ҳақида бирор бир маълумот сакланиб қолмаган. Уларнинг номи бирор бир туркий ёзма манбада тилга ҳам олинмаган. Савол тугилади – туркий халқлар Атиллани қачон танишди, қим орқали бу тарихий шахс ҳақида билишди?

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX асрнинг биринчи чорагигача бўлган даврда мусулмон дунёсида ўзига ҳос миллий уйғониш содир бўлди. Қолоқлик ботқоқига ботган, Европа давлатларига қарамлик ҳолатида бўлган халқлар орасида эркинликка интилиш, ўз тарихий илдишларини англаш гоёлари кенг тарқалди. Мусулмон дунёсининг энг асосий қисмларидан бирини ташкил этувчи туркий халқлар орасида айниқса бундай ҳаракат кенг қулоқ ёзди.

Асрлар мобайнида Европанинг қаттагина қисмини эгаллаб турган Усмонли давлати секин-аста қудратини йўқотаётган, кечаги мағлубларига сиёсий ва иқтисодий жихатдан қарамликка тушиб қолаётган давр эди. Яхши ривожланган, улкан бойликларга ва қудратга эга бўлган христиан дунёси улардан узок йиллик асорат аламини олаётганди гўё. Турли сиёсий ўйинлардан ташқари, Ғарбнинг маданият аҳли орасида ҳам туркларга нисбатан ўта салбий муносабат шаклланди.

Ғарб ахборот майдонини тўлдириб юборган салбий руҳдаги мақолалар, китоблар, бадиий асарларга жавоб тариқасида туркларда ҳам ўз-ўзини улуглаш тенденцияси вуҷудга келади. Биринчи бўлиб “Туркийларнинг умумий тарихи”ни ёзган Нажиб Осим китобининг муқаддимасида буни тан олади: “туркийларнинг музаффар тарихини баён этарканмиз, бу билан буюк миллат устидан беҳаёларча қулган қимсаларнинг асоссиз иддаоларини қош этишимизга ишонамиз”.

Қирим зиёлилари орасида бошланган бу ҳаракат аввал Усмонли давлатида, сўнг Эронда, Россия империясига тобе этилган Кавказ, Ўрта Осиё, Волгабўйи халқлари орасида шуҳрат топди. Дунёнинг турли чеккаларида яшовчи зиёлилар туркийларнинг тарихини

кайта кўриб чикиб, ундан миллий гурур шакллантириш учун асос кидирар, христиан дунёсига туркийларнинг кечагина келиб колган ёввойилар эмас, балки буюк халк эканлигини исботлашга уринарди. Хали туркий халклар маданият ахли орасида тўлақонли академик мухит шаклланмаганлиги туфайли бундай нашрларнинг аксарияти кўпроқ публицистик рух касб этар, туркийларнинг тарихини улуглаш, машхур тарихий шахсларни топиб, уларни кўкларга кўтариб алкашдан иборат бўларди. Бундай асарлар ичида кўплаб келтирилган “буюк турклар”нинг рўйхати доимо янгидан-янги номлар хисобига тўлдириб бориларди. Европанинг ривожланган давлатларида, асосан Германияда таълим олган турк зиёлилар Гарб ёзма манбалари билан ҳам яхшигина таниш бўлганликлари учун уни ҳам ўз мақсадларида кўриб чиқишарди. Шу тарика мусулмон тарихчилигида, туркий тилли ёзма манбаларда тилга олинмаган, уларга мутлақо нотаниш, лекин айти пайтда Европада асрлар мобайнида тилларда дoston бўлган ҳукмдор ва саркарда – Аттила ҳам “буюк турклар” рўйхатида киритилди. Жумладан, Хасан Ато Абушийнинг “Туркий кавмлар тарихи”да кадимги турклардан чиққан давлат арбоблари хақида мана бундай дейилади:

“Оддий хонлардин устун туркий кавмлар ҳам жуда мудаббир ва сиёсий ва бутун оламга ўзларини танутгон мумтоз хонлар ҳам кўб ўлмидир. Хунларнинг бутун Оврўпога дахшат солур ва мухожирати умумия даврини очар кадар ўзина кувват жийгон Атила ва Баламберлари, аварларнинг, Туркистонда улуг ҳукумат тузган ва Дунай ёкаларина кадар келиб Рум императорларини ўзина итоат килдиргон Вар ва Хунийлари ила Баёнлари, булгорларнинг Эдил ёкасиндин Истанбул хисорина кадар бориб, Кайсарларни хавфга туширган Эбирлари ва Окадин Кавказга, Уралдин Дунайга кадар ерларни тасарруфина олгон Кубратлари, тукюларнинг Хинган тоғлариндин Кирилмга кадар ҳукумат сурган ва иттифоқи мусаллас каби сиёсий фикрлар йўрутган Култекин ва Буминлари бу жумладиндилар”.

Яъни туркий халклар XIX аср охирига кадар Аттила хақида ҳеч нарса билишмаган, Европа маданиятининг Шаркка кириб келиши муносабати бу ҳолат ўзгарган. Билишлари мумкин ҳам эмасди, чунки бугунги туркийларни Аттила ва унинг халкига боғлайдиган бирор бир ришта йўқ. Неғалигини кейинги бўлимда кўрамиз.

Хунлар ким эди?

Милoddан бир неча асрлар мукаддам Хитой шимолидаги ва шимоли-шаркидаги даштларда кўплаб кўчманчи қабилалар истикомат килар, улар тинимсиз равишда яйловлар, янги ерлар ва турфа бойликлар учун ўзаро кураш олиб борарди. Қабилаларнинг келиб чиқиши, тили турлича эди: гарбда ерларини йўқотиб, кўчиб келган қабилалар билан бир қаторда маҳаллий халклар орасида ҳам фаол тарихий жараёнлар рўй бераётган эди. Таассуфки, ўша давр кўчманчи қабилаларининг тилига доир бирор бир ёзма ёдгорлик бизгача етиб келмаган, кейинчалик Ўрта Осиёга силжиган юэчжиларга тегишли деб ҳисобланадиган камсонли ёзувлар эса хали-хануз ўқиб чиқилгани йўқ. Тилшунослик эса тил фактларига, ёзма ёдгорликларга асосланиб иш кўради. Ёзма ёдгорликлар бўлмаганда тадқиқотчиларга киёсий-тарихий тилшунослик

(компаративистика) ёрдамга келади. Биз кўриб чикаётган давр учун ёзма ёдгорликлар ўрнини маълум даражада кадимги Хитой манбаларида сакланиб колган глоссалар – кўчманчи кабилаларга мансуб атокли отлар, топонимлар, унвонлар, алохида сўзлар – тўлдириши мумкин. Тахмин килинадики, дашт зонасини тўлдириб юборган хилма-хил кабилалар ичида тил жихатдан бугунги турк, мўгул, тунгус-маньчжур, япон, енисей ва бошка кўплаб халкларнинг аждодлари билан биргаликда, бошка, бизга номаълум тилларда сўзлашувчи кабилалар ҳам бўлган: улар кучли ракобатга дош беролмай кирилиб кетган, ассимиляцияга учраган бўлиши мумкин, харкалай бугунги кунда уларнинг лингвистик авлодлари йўк.

Боя айтганимиздек, дашт кабилалари ичидаги жараёнлар шу пайтгача нисбатан кичик худудда бўлимай яшаб келган кадимий туркларни ҳам четлаб ўтмайди. М.ав. III-II (С. А. Старостиннинг фикрича м.ав. II-I) асрларда улар орасида бўлиниш юз беради.

Умумтуркий асосдан бир бўлак ажралиб чикиб, секин-аста гарбга силжийди. Яна бир неча асрлардан кейин бу тармок анча кучайиб, ўз навбатида кабилаларга бўлинади. Бу кабилалар ичидан энг кучлилари – булгорлар, хазарлар, аварлар – ўз давлатларига асос соладилар. Кейинчалик, VI-VII асрларда туркий халкларнинг бошка, ёшрок тармоги кучаяди, Турк хоконлигига асос солади, кадимийрок туркий тиллар янги сиёсий куч таъсирида тушкунликка учраб, ўз ўрнини йўкотади.

Тилшунослик – фактлар билан иш кўрувчи фан. Юкорида айтиб ўтилган фикрлар ҳам бўш ўринда юзага келмаган. Туркий халкларда бунака бўлиниш содир бўлганини билишимизга сабаб – хозирга кадар бошка бирор туркий тилга ўхшамайдиган, архаик унсурларни саклаб колган чуваш тилининг борлиги. Агар чуваш тили йўк бўлиб кетганида, туркий тилларнинг бўлиниши м.ав. III-II асрдамас, нари борса мил. VIII асрда содир бўлган, деган фикрдан нарига ўта олмас эдик. Булгор, хазар, аварларнинг, айрим тахминларга кўра (С. П. Толстов китобларини қаранг) эфталларнинг ҳам айнан чуваш тилига якин бўлган туркий тилларнинг энг кадимий тармогида сўзлашганини билишимизга сабаб – бу тиллардан бизга кадар етиб келган глоссаларнинг фонетик хусусиятлари чуваш тилига айнан мос келиши (ротацизм – умумтуркий *z* товушининг чуваш тилида *г* га мос келиши (*toquz=taxar*), ламбдаизм – умумтуркий *ş* нинг чуваш тилида *л* га мос келиши (*kumuş=kumul*) кабилар).

Демак, туркий бобо тилнинг қачон бўлингани тўғри аниқланган, дейишга асосимиз бор.

Тадкикотчилар олдида турган галдаги вазифа умумтуркий ареалдан ажралиб чикиб, мустикал сиёсий ўйинчи сифатида фаолият юритган, кейинрок гарбга силжиб, илк ўрта асрларда маълум бўлган булгор, хазар ва аварларга бошланма берган кабилани аниқлашдан иборат. Бу барча талабларга кадимги хунну кабиласи жавоб беради.

Авваламбор, кўрсатилган даврда ушбу кабила кучга тўлиб, бошка ракобатчилари устидан ҳукмронлигини ўрната бошлайди, кейинги бир аср мобайнида Хитой билан урушлар олиб боради. Иккинчидан, хунну (ёки сюнну) номли кабила илк бор м.ав. III аср Хитой манбаларида тилга олинади. Бу – юкорида тахлил қилганимиз туркий бобо тилнинг бўлинишига айнан мос келувчи сана. Шундай экан, хуннуларни туркийлар ҳамда булгорларни боглаб турувчи халқа дейишга асослар бор. Бу тахминни мустваҳкамлаш учун керакли нарсаси – Хитой манбаларида хунну тилидан сакланиб колган глоссалар этимологиясини туркий тиллар материаллари ёрдамида амалга ошириш. Аммо бу – энг кийин вазифа, зеро хитой тилининг ўзига хос товуш таркиби хорижий сўзларни тўлақонли ўзлаштиришга имконият бермаган. Хитойларнинг иероглиф ёзуви ҳам масалани анчайин мураккаблаштиради – хар бир иероглиф турли даврларда турлича

ўқилган. Шунинг учун хуннуларнинг туркий кабила эканлиги хакидаги тахмин, гарчи кўпчилик тилшунос ва тарихчилар томонидан кўллаб-қувватланса-да, бугунги кунга қадар тахминлигича қолмоқда.

Лекин бу ягона назария эмас. Хуннулар хакида биринчи бўлиб тадқиқот олиб борган Г. П. Паллас (XVII аср) уларни мўғул тилли халқ деб ҳисоблаган. XIX асрда бу қарашни Ф. Бергман, И. Шмидт, К. Ф. Нейман, Х. Хоуорс, А. Терри, Н. Я. Бичурин кабилар ҳимоя қилишган. XX аср олимлари сирасидан хуннуларни мўғулзабон деб ҳисоблайдиганлар – А. П. Окладников, Н. Н. Диков, Г. Н. Румянцев, М. В. Воробьёв, Б. Б. Дашибалов ва бошқалар.

Хуннуларнинг тили хакида қуйидагича қарашлар мавжуд: хуннулар туркийзабон бўлган; мўғулзабон бўлган; финн-угор қавмларидан бири бўлган; турк, мўғул, тунгус ва финн тилли кабилалардан иборат бўлган; енисей тилларида сўзлашган; эроний кабилалардан бири бўлган (Э. Г. Пуллибленк); бугунги кунда авлодлари сақланиб қолмаган номаълум тилда сўзлашган, бу тил унсурлари бугунги енисей тилларида адстрат (“қелгинди” тил унсурлари, субстрат – маҳаллий тил унсурларига қарама-қарши тушунча) ҳолида сақланиб қолган.

Хунну тилидан сақланиб қолган бир нечта сўзларгина туркий этимологияга эга. Булар: *tāŋri* – осмон; *ordo* – ўрда, қароргоҳ; *tāgin* – тегин, шахзода; *хауан* – хокон ва *ҳиэр-үеи* – ябгу сўзларининг соф туркий эканлиги шубҳа остида. Аммо булар ўзлашма сўзлар ҳам бўлиши мумкин. Бошқа сўзлар эроний, мўғул, енисей тиллари орқали тушунтирилади. Хуннуларни туркийзабон деб ҳисоблайдиган олимлар ичида ҳам ягона фикр мавжуд эмас. Айрим тадқиқотчилар хуннуларни умумтуркий тилда сўзлашган деб ҳисоблайди, Б. А. Серебряников каби олимларнинг фикрича эса, тил жихатдан улар фақат бугунги чувашларга аجدод бўла олади.

Хуннуларнинг келиб чиқиши, тили хакидаги илмий қарашларнинг қисқача баёни мана шулардан иборат. Кўриб турибмизки, олимлар ичида ягона фикр йўқ, ягона фикр шакллантириш учун етарли бўлган бирор-бир манбанинг ўзи ҳам йўқ. Шундай экан, хуннуларни баралла овоз билан бугунги туркларнинг аждоди деб эълон қилишга, хуннуларнинг номи сақланиб қолган ҳукмдорларини “буюк турклар” қаторига қўшишга қанчалик асосимиз бор? Агар хуннуларнинг туркийзабонлиги исботланган деб ҳисоблаган тақдиримизда ҳам, бугунги туркий халқларнинг (чувашлардан ташқари) аждодлари улар эмас, балки Турк хоконлиги давридан Евроосиёда таркала бошлаган “янги” турклардир. Хуннулар билан алоқалар эса бундан 2200-2300 йиллар муқаддам узилиб кетган. Хаттоки янги туркий тиллар қадимий туркий тилларни ассимиляцияга учратиб, уларнинг деярли йўқолиб кетишига сабаб бўлган. Мил. V асрдан бошлаб хитойча манбаларда хуннуларнинг тилга олинмаслиги, фақат туркларнинг тилга олиниши ҳам бежизга бўлмаса керак.

Юкоридаги фикрларнинг бари Хитой атрофида яшаган хунну ёки сюнну номи кабилага оид. IV-VI асрлар Европа манбаларида тилга олинмаган хунн кабиласи эса янада мураккаброк тарихга эга. Хитойдан мағлубиятга учраган хуннуларнинг кичик бир қисми гарбга қилжийди, у ерда истикомат қилаётган финн-угор ҳамда эроний тилда сўзлашувчи сармат кабилалари билан қўшилиб кетади. Шарқдан унча катта аҳоли қўчиши қузатилмаган, тинимсиз жангу-жадаллар шароитида эса аҳоли сонини ички ресурслар ҳисобига тўлдириб бориш имконсиздир. Шунинг учун, гарчи хуннлар ҳукмрон даврга эга бўлса-да, лекин угор ва эроний тилли кабилаларнинг таъсирида уларнинг тили, маданияти ва антропологияси катта ўзгаришларга учраган. Хуннлар ўз тилини сақлаб

колган такдирида ҳам бошка тиллар таъсирида колишган.

Хуллас, мана шу хуннлар II-III асрларда кабилавий иттифок тузиб, Шимолий Европага кириб боришади. Кейинги уч асрлик тарихи мобайнида улар Марказий Европага қадар етиб, ҳатто Рим шахрини эгаллаш даражасидаги қудрат соҳиби бўладилар. Лекин хуннларнинг сиёсий тарихини баён қилиш мақоламиз вазифалари сирасига қирмайди. Биз уларнинг этник ва лингвистик тарихи борасида баҳс юритамиз.

Европада макон қурган хуннлар эндиликда янги қабилалар таъсирида колишади. Буюк қўчиш таъсирида Европанинг ўзида қўлаб қабилалар ҳаракатга келган бўлиб, улар хуннлар билан турлича муносабатларга киришади: айримлари душманлик қайфиятида бўлсалар, бошқалар уларга бўйсунди, яна баъзилари билан иттифок тузилади. Қадимги герман қабилалари ичида энг нуфузли ва қўпсонли готлар эди. Тахминларга қўра, V-VI асрларда хуннларнинг катта қисми гот тилида сўзлаша бошлаган ёки, энг камида, гот тилининг хуннлар тилига таъсири нисбатда қучли бўлган.

Аттила исмининг маъноси нима?

Аттила “буюк турк” деб эълон қилинган экан, унинг фаолиятини бўёқдор қилиш, қўпиртириб тасвирлаш билан бирга, унинг номини бирор туркий сўзга боғлаш ҳам талаб қилинади. Зеро бу унинг туркий бўлганлигини исботлаш учун қўшимча далил бўлиши мумкин эди. Ана шундай мулоҳазалар натижаси ўлароқ туркий халқлар зиёлилари орасида Аттила исмининг турли-туман туркийча этимологиялари олға сурилди. Бу этимологияларни профессионал тилшунослар эмас, балки хаваскор публицистлар ўйлаб топганлари учун улардан бирортасини илмий жихатдан асосли, мукамал деб бўлмайди. Этимологияларнинг аксарияти профессионал тилшунослар орасида ҳазиломуз тарзда “этимология” деб аталадиган “халқ этимологияси”га доир. Этимологиянинг асосий белгилари – ҳеч қандай фонетик ва лексик қонуниятларнинг тан олинмаслиги (бундай хаваскорлар тил, сўз ва товушлар мунтазам равишда ўзгариб боришини ҳаёлларига ҳам келтирмайдилар), сўзлар факат шаклий ўхшашлик асосида бугунги тиллардан саралаб олиниши (беш минг йил олдинги Миср ёки Шумер манбаларида учрайдиган сўзларни шаклий ўхшашлик асосида бугунги ўзбек, қозоқ ёки озарбайжон тилидаги сўзлар ёрдамида тушунтиришга уриниш), қадимги тилларнинг ўзига ҳос товуш таркибини ҳисобга олмасдан, бугунги тилларга мослаб ёзилган шаклларга асосланиб мулоҳаза юритиш (“хунн” сўзи бугунги тилларга мослаб қабул қилинган талаффуз шакли, қадимги хитой ва юнон тилларида бу сўзнинг талаффузи жуда катта фаркланади), нисбат, тил ривожланиши мантигини тамомла четга суриб қўйиш (туркий халқлар Америкада ҳеч қачон бўлмаганлигини ҳисобга олмай туриб ҳиндулар тилидан туркий тилларга ўхшашлик қидириш). Ёркин мисол тариқасида Самарқанд шаҳри ҳақидаги қитобларда қўп учрайдиган “халқ этимологиялари”ни келтириш мумкин. Абу Тохирхожанинг “Самария” қитобида бундай этимологиялардан еттита келтирилади. Улардан энг кенг тарқалганлари иккита: “Самар қант” – “Самар (исмли одам) қазиди” ҳамда “Семиз кент” – “семиз (яъни бой) шаҳар” вариантлари.

Аттила номи ҳақида ўйлаб топилган асосий “халқ этимология” лари қуйидагилардир:

- ata – ота ва el – эл: Ота эл. Бу сўзлар бирикишидан кандай маъно хосил бўлиши одатда тушунтирилмайди;

- atli – отли, яъни суворий, чавандоз. IV-VI асрларда хунн тилида -li кўшимчасининг бўлган-бўлмаганлиги номаълум;

- Etilli – Идилли, яъни Волга дарёси бўйидан келиб чиккан. Аттиланинг Волгабўйига кандай алоқаси борлиги ҳам тушунтирилмайди – у мутлако бошқа географик ҳудудда тугилиб ўсган ва фаолият юритган. Бу ҳам майли, унинг даврида Волга дарёси Итил деб аталгани ҳам шубҳали. Бу – анча кечки ном, ундан олдин эса дарё Ра (Рав) деб аталган, бу ном, жумладан, Птолемейнинг харитасида кайд этилган.

Аммо юнон ва рим манбаларида хуннлар ҳукмдори исмининг Attila тарзида ёзилишиёқ юкоридаги “этимология”ларни пучга чиқаради. Аввало сўз ўртасида tt геминатининг (иккиланган ундошининг) кўлланиши туркий тилларнинг темир коидаси – ургунинг доимо охириги бўгинга тушишига мос келмайди. Масалан, агар келтирилган вариантлардан учинчиси тўғри бўлса эди, геминация ходисаси t да эмас, l да кузатилар эди. Юнонлар ва римликлар “варварча” сўзларни кай тарзда олиб берганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Attila сўзида туркий тилларнинг навбатдаги темир коидаси – сингармонизм (бир сўзда факат олд катор ёки факат орка катор унлиларининг кўлланиши) бузилгани ҳам кўринади. Шунинг учун бундай хомаки этимологиялар нуфузли туркологлар ва олтойшунослар Г. Дёрфер ва Ж. Бьюри томонидан кескин танкид килинган эди. Аттила исмининг келиб чиқиши бугунги кунга қадар аниқланган эмас. Лекин юкоридаги фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда кўпгина тадқиқотчилар бу исмининг туркийча бўлмаганини тан оладилар ҳамда уни бошқа тиллардан тушунтиришга уринадилар. Гот тилининг илк ўрта асрларда нуфузи баланд бўлганлигини айтиб ўтдик. Гот (ёки унга яқин кариндош бўлган гепид) тилида atta – ота сўзи ҳамда -ila кичрайтириш кўшимчаси кайд килинган. Яъни, гот тили материалларидан келиб чиқадиган бўлсак, attila – atta “ота” сўзининг диминутив (кичрайтириш-эркалаш) шаклидир. Аммо бу ҳам бир тахмин. Публицистлардан фаркли равишда, илм-фан одамлари муайян масала бўйича узил-кесил ҳулоса килишга шошилмайдилар.

Хулосалар

- хунну (сюнну) ва хунн кабилаларининг келиб чиқиши, тили, тарихи ҳақидаги маълумотлар хитой, юнон ва рим тилларидаги узук-юлук дараклардан иборат. Бу асосда уларнинг тарихини тўла ёритиб бўлмайди, уларнинг келиб чиқиши ҳусусида аниқ фикр ҳам айтиб бўлмайди. Бу бўшлиқни маълум даражада археология, антропология ва лингвистика материаллари тўлдиради;

- хуннларнинг тили ҳақида факатгина бошқа тиллардаги ёзма манбаларда сакланиб қолган бир нечта сўз асосида фикр билдириш мумкин. Хунн тилининг ўз манбалари сакланиб қолмаган. Сакланиб қолган камсонли сўзларнинг катта қисми хитой ёки юнон тилининг таъсирида жиддий ўзгаришга учраган. Бу сўзларнинг кичик бир қисминигина туркий тиллар оркали тушунтириш мумкин;

- хуннларнинг этник ва лингвистик келиб чиқиши ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Улар

ичида энг машхури хуннларнинг туркийзабон халк бўлгани хакидаги карашдир. Лекин, бу назарияни исботланган хакикат деб тан олсак ҳам, хуннлар бошқа туркий халклардан 2000 йилдан олдинроқ ажралиб кетган, кейинчалик заиф алокаларда бўлиб турган туркий тилларнинг архаик бир шахобчасига мансуб. Бугунги туркий халкларнинг аксарияти эса тил жихатдан тамомила бошқа, Турк хоконлиги давридан таркала бошлаган шахобчага мансуб;

- хуннлар дастлаб туркий тилда сўзлашган бўлишлари мумкин, лекин Аттила замонида, афтидан, Европа тилларидан бирини қабул қилишган. Хусусан, Аттила исмининг ўзи ҳам туркий тилдан этимология қилинмайдиган;

- IV-VI асрлар ёзма манбаларида тилга олинадиган Европа хуннлари туркийларнинг асосий қисмидан ўзилиб қолишган эди, улар асосан Европанинг кўчманчи ва ўтрок аҳолиси билан фаол алоқада бўлишган. Кейинчалик иттифокнинг тарқалиши билан хуннларнинг қолдиқлари Шарқий Европанинг турли ўлкаларида муқимлашиб, бошқа халқлар тарқибига қўшилиб кетган. Бир сўз билан айтганда, Аттила хуннларининг генетик авлодлари ҳозирги туркий халқлар орасида йўқ;

- юқоридаги сабабларга кўра ўрта асрлар ҳамда бугунги кун туркий халқлари орасида Европа хуннлари хақида ҳам, Аттила хақида ҳам ҳеч қандай тарихий хотира сақланиб қолмаган;

- агар хуннларнинг туркийзабонлигини исботлайдиган далиллар базаси кенгайса, Аттилани буюк туркий саркардалардан бири сифатида тан олиш мумкин. Лекин унинг шахсини илоҳийлаштириш, тарихий қаҳрамон даражасига кўтариш, ярим афсонавий воқеаларни унга нисбат бериш (Мурод Хожи асаридан келтирилган парчаларга қараган), уни бугунги туркларнинг бобоқалони деб эълон қилишга ҳеч қандай асос йўқ. Ҳозирги туркий халқлар тарихида у ҳеч қандай рол ўйнамагани кўрсатиб берилди деб ўйлаймиз.

Эльдар АСАНОВ